

Владимир Васильев Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўғитларига риоя қилишга ваъда берди



11:49 / 06.10.2018 2979

Доғистон раҳбари Владимир Васильев Республика миллий парламентидаги нутқида пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан келтириб, минтақа аҳолиси манфаати учун ишлашга ваъда берди.

«Ҳукумат биниси ёнидаги масжидда одамларга кўпроқ яхшилик қилувчиларга Аллоҳ янада раҳм-шафқатли бўлиши ҳақидаги ёзувлар ўз аксини топган. Мен ушбу тамойилга риоя қилишга ҳаракат қиламан. Мен умид қиламанки, биз кўп нарсага эришамиз», – деди Доғистон етакчиси.

Шу йилнинг 9 сентябрида Васильев яширин овоз бериш йўли билан Халқ мажлиси депутатлари томонидан Доғистон раҳбари лавозимига сайланган, деб [хабар беради](#) IslamNews АА. Унинг номзодини парламентнинг 90 нафар аъзосидан 77 нафари қўллаб-қувватлаган эди.

Islom.uz портали таҳририяти